

**“Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини  
ишлаб чиқиш бўйича  
Шартнома  
№ ДН-23**

Тошкент ш.

«15» август 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги қошидаги Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси номидан иш юритувчи бошлиқ У.Назарматов бир томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади), ва «DEVHUB» МЧЖ номидан, Устав асосида фаолият юритувчи, бош директор Н.Хақимжонов иккинчи томондан (бундан буён матнда “Ижрочи” деб юритилади), қуйидагилар ҳақида ушбу Шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Ижрочи ушбу Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни Буюртмачининг топшириғига биноан кўрсатишни, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

1.2. Ижрочи “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини (бундан буён матнда Тизим деб юритилади) мазкур шартнома иловасида кўрсатилган босқичларда ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

2.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ижрочидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лойиҳанинг амалга оширилишини ва Ижрочи томонидан бажарилган ишларнинг сифатини унинг фаолиятига аралашмасдан мунтазам равишда текшириш.

2.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Ижрочи томонидан сўралаётган барча керакли маълумотларни ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим этиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартномага мувофиқ ёки ушбу шартноманинг илова асосида белгиланган тартибда Буюртмачи томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш;
- кафолатланган техник хизмат кўрсатиш доирасида тизимдан фойдаланишда аниқланган камчиликларни уч кун ичида бепул тарзда бартараф этиш.

**3. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС тўловсиз 1 030 000 000 (Бир миллиард ўттиз миллион) сўмни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 15 фоизи миқдорида олдиндан тўловни 5 (беш) кунда амалга оширади ва маблағ Ижрочининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **4. Шартномани бажариш**

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штамида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Ижрочи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Ижрочи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда Буюртмачига нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлаши мумкин, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.4. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик)

натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Ижрочининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

5.5. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **6. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

6.1. Ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар, имкони борича, томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаганда, барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **7. Форс-мажор ҳолатлари**

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, энгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Ижрочи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Ижрочининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## **8. Махфийлик**

8.1. Томонлар келишувнинг мазмуни, шунингдек ушбу битимни тузилиши ва бажарилиши муносабати билан томонлар томонидан бир-бирига ўтказилган барча ҳужжатлар махфий ҳисобланади ва томонларнинг тижорат сирлари ҳисобланади, бу бошқа томоннинг ёзма розилигисиз ошкор этилиши мумкин эмас.



СТИР 306 554 707,  
Банк коди 62010  
тел.: +99890 982-22-37  
эл. почта: info@dhub.uz

Бош  
директор



Н.Хакимжонов

ш/х 100010860262947076400344002  
УКМН: 300943962  
Тел: 71-241-02-61.

Инспекция  
Босили о... Назармаев  
Инспекция  
Юридиконсулт Туратов



АКТ Бўлим  
Босили о...

П.П. Равшанов

Акт -

### “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бажариш календар режаси

№	Ишларнинг номи	Ишнинг босқичи	Бажарилган ишнинг натижаси	Бажариш муддати, календар кунлар	Кўрсатилган хизматлар қиймати
1.	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун шартнома тузиш	I – босқич	Имзоланган шартнома	Шартнома имзолангандан сўнг 5 кун мобайнида	154 500 000 сўм
2.	<p>Ахборот тизимида қуйидаги функционалларни ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Админ панелини функционалларини ва кабинетини ишлаб чиқиш;</li> <li>- Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссия аъзолари ва ходимлари функционалларини ҳамда кабинетини ишлаб чиқиш;</li> <li>- Врачлар консультация комиссияси аъзолари ва ходимлари функционалларини ҳамда кабинетини ишлаб чиқиш;</li> <li>- Ногиронларнинг маълумот олиш кабинетини ишлаб чиқиш;</li> <li>- Интеграцион модулни ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотлар билан интеграцияларни амалга ошириш.</li> </ul>	II – босқич	Функционалла р ишлаб чиқилган ва жорий этишга тайёр	Аванс тўловидан сўнг 25 кун мобайнида	772 500 000 сўм
3.	Ахборот тизимини ишга жорий этиш ва махсус тренинглар ўтказиш	III – босқич	Ишлаб чиқилган тизим фойдаланишга топширилган ва тегишли масъул ходимлар иштирокида тизимдан фойдаланиш юзасидан	Аванс тўловидан сўнг 30 кун мобайнида	103 000 000 сўм

			тренинглار ўтказилган		
4.	Ахборот тизимда амалга оширилган функционал кенгайтиришларга техник хизмат кўрсатилиш.	IV - босқич	Техник хизмат кўрсатишни тақдим этиш ва хатоларини бартараф этиш	кўрсатилган хизмат учун тўловни амалга оширмаган ҳолда, Ижрочи ҳисобидан 365 кун давомида	
<b>Жами:</b>					<b>1 030 000 000</b> сўм

**«ИЖРОЧИ»**  
**«DEVHUB» МЧЖ**

**«БУЮРТМАЧИ»**  
Ўзбекистон Республикаси Тиббий-  
ижтимоий хизматларни  
ривожлантириш агентлиги қошидаги  
Республика тиббий-ижтимоий  
экспертиза инспекцияси

Бош  
директор



Н.Хақимжонов

Бошлик



У.Назарматов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DEVHUB" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DEVHUB" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.07.2019

740286

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306554707

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Ахмад Дониш кучаси, Уй 28,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Харид комиссиясининг раиси–Республика  
Тиббий-ижтимоий экспертиза  
инспекцияси бошлиғи ўринбосари



Н.К.Миржалилов

август 2022 й.

“Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини ишлаб чикувчи  
ташкilotни аниқлаш бўйича харид комиссияси мажлисининг  
**БАЁННОМАСИ-3**

Тошкент ш.

2022 йил 12 август

Раислик қилувчи:

Н.К.Миржалилов

Мажлисида иштирок этган комиссия аъзолари:

Ҳ.Р.Ўрозметов

Республика Тиббий-ижтимоий хизматларни  
ривожлантириш агентлиги Ахборот  
технологиялари бўлими бошлиғи, комиссия  
аъзоси.

Г.Р.Артикова

Тиббий-ижтимоий экспертиза Инспекцияси  
бош хисобчиси, комиссия аъзоси.

Х.Р.Туробов

Тиббий-ижтимоий экспертиза Инспекцияси  
юристоконсулти, комиссия аъзоси.

Ж.Қ.Равшанов

Тиббий-ижтимоий экспертиза Инспекцияси  
Ахборот технологияларини жорий этиш  
бўлими бошлиғи

**КУН ТАРТИБИ:**

I. “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш  
бўйича аниқланган ғолиб билан шартнома тузиш масаласи.

*(Н.Миржалилов, Ҳ.Ўрозметов, Г.Артикова, Х.Туробов, Ж.Равшанов, Н.Миржалилов)*

Мажлисида комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этмоқда.

Кворум мавжудлигини инобатга олган ҳолда, комиссия раиси  
Н.К.Миржалилов томонидан мажлис очиқ деб эълон қилинди ва 2022 йил 8  
август куни “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини ишлаб  
чикувчи ташкilotни аниқлаш бўйича электрон энг яхши танлаш таклифлари  
баҳоланиб баҳолаш натижалари махсус-ахборот порталига жойлаштирилган

эди. Электрон тизим автоматик тарзда иштирокчиларнинг нарх қисмини баҳолаб энг арзон таклиф қилган иштирокчини аниқлаб электрон протокол чиқти.

Кун тартибидаги масала бўйича Г.Р.Артикова тушунтириш бериб ўтди. 2022 йил 8 августдаги электрон протоколга асосан “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини ишлаб чиқувчи ташкилотни аниқлаш бўйича электрон энг яхши таклифларни танлаш бўйича ғолиб деб 1 030 000 000 сўм таклифи билан “DEVHUB” МЧЖ топилганини маъум қилди.

ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 62 моддасида расмийлаштирилган баённома жойлаштирилган кундан бошлаб икки иш кунига муҳокамага қўйилиши белгианган ва икки иш куни ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

2022 йил 9 август куни №01-09/08 сонли “DataPrizma” МЧЖнинг Республика Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва “Буюртмачи” номига эътироз хати келиб тушди. Келиб тушган эътироз хати кўриб чиқилиб, мутахассислар билан муҳокама қилинди ва Республика Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги номидан 11 август куни 11-01-12/1339 сонли жавоб хати ёзилди. “DataPrizma” МЧЖ жавоб хатини олгандан сўнг 11.08.2022 йил 11-01-12/1339 сонли хат билан берилган жавобга қаршилиги йўқлигини билдириб 2022 йил 11 август 01-11/08 сонли хатини тақдим қилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 96473-сонли лотда иштирок етмаяпти. Маълумотлар [www.stat.uz](http://www.stat.uz) саҳифаси орқали текширилди.

Комиссия аъзолари муҳокамадан сўнг ғолиб деб топилган “DEVHUB” МЧЖ билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш тўғрисида таклиф киритдилар.

Комиссия раиси таклифларни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» -0, «Бетараф» -0.

Мажлис давомида, харид комиссияси томонидан бир овозда қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. Ғолиб деб топилган “DEVHUB” МЧЖ билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш тўғрисида.

Харид комиссиясининг масъул котиби



М.Шосалимов

Баённомага иштирокчи ва буюртмачиларнинг хатлари илова қилинади.

Комиссия аъзолари билан келишилди:

  
\_\_\_\_\_ Х.Р.Ўрозметов

  
\_\_\_\_\_ Г.Р.Артикова

  
\_\_\_\_\_ Х.Р.Туробов

  
\_\_\_\_\_ Ж.Қ.Равшанов

ООО "Dataprizma", Узбекистан, 100019, Ташкент,  
Алмазарский район, массив Себзар, С 17-18/1 дом  
+998(78)122 99 07 [info@dataprizma.uz](mailto:info@dataprizma.uz)

№ 01-09-/08 от 9 августа 2022 года

Республиканская инспекция  
медико-социальной экспертизы  
при Агентстве медико-  
социальных услуг

копия

Агентстве медико-социальных  
услуг

Возражение по результатам на отбор наилучшего предложения по № ЛОТА: № 129417 от 28 июля 2022 года на оказание услуги на создание Электронной информационной системы «Медико - социальная экспертиза» (ЭИС МСЭ).

Настоящим уведомляем, что компания ООО «Dataprizma» подавала заявку на участие в отборе наилучшего предложения по № ЛОТА: № 129417 согласно техническому заданию и технической документации, размещенными Республиканской инспекцией медико-социальной экспертизы при Агентстве медико-социальных услуг на электронной площадке [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz).

Решением протокола закупочной комиссии от 08 августа 2022 года компания ООО «Dataprizma» была дисквалифицирована по Критерию № 16 «Заявка для участия в электронном тендере на имя председателя Закупочной комиссии».

### 1. Заявка для участия в электронном тендере на имя председателя Закупочной комиссии.

Максимальный бал – 5

Соответствие пункта «1.4 Плановые сроки начала и окончания работ» Технического задания: *Общие сроки выполнения работ по реализации проекта в соответствии с требованиями настоящего технического задания - не более 6 месяцев после подписания договора с разработчиком ЭИС МСЭ.*

**Предложение:** ООО «Dataprizma» подала заявку реализовать данный проект в срок не более 180 дней.

Указанная протоколом закупочной комиссии причины дисквалификации, ссылаясь на пункт 90 раздела 5 Положения о порядке организации и проведения процедур, связанных с осуществлением государственных закупок не является основанием для дисквалификации, так как требования данного пункта нами выполнены в полном объеме.

Кроме того, стоимость работ нами было предложено 710 млн. сум, что на **320** млн. сум ниже стоимости, предложенной выбранным победителем.

Исходя из вышеперечисленного, просим вас внести ясность и указать обоснованные причины дисквалификации в соответствии Положения о порядке организации и проведения процедур, связанных с осуществлением государственных закупок или пересмотреть результаты работы закупочной комиссии.

И.о. директора



З.Бахтияров



100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 12 A,  
Tel: .: (71) 241-04-13, (71) 241-04-16  
e-mail: tixa@exat.uz

12 A, A.Navoi str, Tashkent, 100011  
Тел: (71) 241-04-13, (71) 241-04-16  
e-mail: tixa@exat.uz

“Н” 08 2022 йил  
Н-01-12 1/339

**“DataPrizma” MCHJga**

2022 йил 9 августдаги  
01-09/08 сон хатга

Республика Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси томонидан 2022 йил 28 июлда Давлат харидлари электрон тизимида (etender.uzex.uz) 129417 сон Лот орқали “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича эълон берилган. Ушбу эълон бўйича сиз томондан берилган эътирозларни белгиланган ишчи гуруҳ томонидан қайта кўриб чиқилганлигини ва ўрганишлар бўйича куйидагиларни маълум қиламиз.

Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб тамойилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5- боби, 94-бандида Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилиши белгиланган.

Сиз томондан берилган Ариза билан бирга лойиҳани ишлаб чиқиш муддати ва ишлаб чиқиш учун нарх тўғрисида маълумотлар такдим этилган. Бу эса юқорида низом қоидаларига мувофиқ эмаслигини маълум қиламиз.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш муддати талаблари бўйича Давлат харидлари электрон тизимида (etender.uzex.uz) 30 кун қилиб белгиланган.

Сиз томондан берилган хужжатларда эса 180 кунда ишлаб чиқиш бўйича таклиф берилган.

Танловда жами 3 та иштирокчи қатнашганлигини ва танлов жараёнларида қолган 2 та иштирокчининг нарх қисмларини кўриш имконияти мавжуд бўлмаганлигини ҳамда ғолиб деб топилган ташкилотнинг таклифи давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда танланганини маълум қиламиз.

Директор

А. Инаков

“Dataprizma” МЧЖ Ўзбекистон, Тошкент ш.,  
Олмазор тумани, Себзар 17-18, 1 уй.  
+998(78)122 99 07 info@dataprizma.uz

**2022-йил 11-август № 01-11/08**

**Ўзбекистон Республикаси  
Тиббий-ижтимоий хизматларни  
ривожлантириш агентлигига**

Сизга шуни маълум қиламизки “Dataprizma” МЧЖ томонидан 09.08.2022 йилда юборилган 01-09/08 сонли хатга 11.08.2022 йил 11-01-12/1339 сонли хат билан берган жавобингизга қаршилигимиз йўқ.

Директор в.б



З.Д.Бахтияров